

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ

«ҚУРИЛИШ» ФАКУЛЬТЕТИ

«Бино ва иншоотлар қурилиши» кафедраси

**«Бино ва иншоотларни барпо
этиш технологияси»**

фанидан курс лойиҳасини бажариш учун

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Наманган-2020 йил

Ушбу услубий кўрсатма қурилиш йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга “Био ва иншоотларни барпо этиш технологияси” фанидан «Биолар конструкциялари монтажи» мавзусида курс лойиҳасини бажариш жараёнида фойдаланишлари учун ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: А.Рахимов – НамМҚИ, Қурилиш факультети «Био ва иншоотлар қурилиши» кафедраси доценти, т.ф.н
Ш.Хакимов – НамМҚИ, Қурилиш факультети “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедраси доценти, т.ф.н
И.Ковтун - НамМҚИ, Қурилиш факультети “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедраси катта ўқитувчиси
Б.Мамадов - НамМҚИ, Қурилиш факультети “Био ва иншоотлар қурилиши” кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар: Юсупов Х.И- ТАҚИ “ Қурилиш технологияси ва ташкилиёти” кафедраси профессори

Услубий кўрсатма “Биолар ва иншоотлар қурилиши” кафедрасининг 2020__ йил 08 августдаги 6-сонли йиғилишида муҳокамадан ўтган ва институт услубий кенгашида тасдиқлаш учун тавсия этилган.

КИРИШ

Республикамиз халқ хўжалиги тармоқлари орасида қурилиш соҳаси алоҳида ўрин тутди. Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган даврда халқ хўжалигининг барча тармоқлари жадал ва кенг кўламда ривожлантирилмоқда. Бу ривожланиш жараёнини янги ишлаб чиқариш корхоналарининг қурилиши, мавжуд корхоналарни кенгайтириш, қайта қуриш, қайта жиҳозлаш, турар жой, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган бино ва иншоотлар қурилишисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу эса ўз навбатида қурилиш соҳасини замон талаблари асосида такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Замонавий капитал қурилиш ишларини олиб боришда мамлакатимиздаги иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш энг муҳим масалалардан биридир. Капитал қурилиш ишларининг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири материал-техник ресурслардан оқилона фойдаланиш, қурилиш сифатини ошириш ҳамда умумқурилиш ишларини бажаришдаги технологик жараёнларни такомиллаштиришдан иборат.

Қурилиш маҳсулоти ҳисобланган бино ва иншоотларнинг сифати умумий ҳолда лойиҳа сифати, қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифати ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг бажарилиши, яъни жараёнлар технологияси сифати билан белгиланади. Қадимда яшаб ўтган меъморларимиз буни жуда яхши билганлар ва унга қатъий амал қилганлар. Шу сабабли ҳам Самарқанд, Хива, Бухоро каби қўҳна шаҳарларда минглаб йиллар аввал қад ростлаган мадраса ва миноралар лойиҳасининг мукамаллиги, ишлатилган материалларнинг узоққа чидамлилиги, аниқ технология асосида тикланганлиги натижасида ҳозирда ҳам ўз кўрки ва салобатини йўқотмаган.

I. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Курс лойиҳасининг моҳияти йиғма темир бетон элементлардан ташкил топган бир қаватли ёки кўп қаватли саноат биносининг юк кўтарувчи ва ўровчи конструкцияларини монтаж қилиш ишларини лойиҳалашдан иборат.

Курс лойиҳаси устида ишлаш жараёнида талаба назарий билим ва амалий кўникмаларини қурилиш-монтаж жараёнларини технологик лойиҳалашда қўллай олиши керак.

Курс лойиҳасини бажаришга киришишдан аввал қурилиш-монтаж жараёнларининг кетма-кетлигини, технологик ҳисоб ишларининг бажарилиш тартибини батафсил ўрганиб чиқиш зарур.

Мақбул технологик ечимни танлаш монтаж ишларини бажаришнинг иккита вариантини техник-иқтисодий кўрсаткичлар асосида таққослаш йўли билан амалга оширилади.

II. КУРС ЛОЙИҲАСИНИНГ ТАРКИБИ

Лойиҳа икки қисмдан ташкил топади: ҳисоб-тушунтирув ёзуви ва технологик харита (чизма қисми)

Ҳисоб-тушунтирув ёзуви қуйидаги бўлимлардан иборат:

1. Кириш

2. Тикланадиган бинонинг қисқача тавсифи ва йиғма конструкциялар монтажида ишлар ҳажмини ҳисоблаш.

3. Юк ушлаш ва монтаж мосламаларини танлаш.

4. Монтаж услублари ва конструкцияларни лойиҳа жойига ўрнатиш усулларини танлаш.

5. Монтаж кранларини танлаш

6. Монтаж қамралма(участка)ларининг ўлчами ва сонини аниқлаш.

7. Монтаж кранларининг иш унумдорлигини ҳисоблаш.

8. Меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби.

9. Монтаж вариантларини техник-иқтисодий жиҳатдан таққослаш.

10. Транспорт воситаларини танлаш.

11. Технологик ҳисоб жадвали. Монтаж ишларини бажариш графиги (чизиқли ёки циклограмма)

12. Техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби.

13. Монтаж ишларини хавфсиз бажаришга оид тадбирлар (хавфсизлик техникаси)

14. Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

III. ТЕХНОЛОГИК ҲИСОБЛАР ТАРКИБИ

1. Кириш

Кириш қисмида бино ва иншоотларни йиғма темир-бетон конструкциялардан тиклашнинг афзалликлари, бу соҳада эришилган ютуқлар, қурилиш-монтаж ишларини бажаришдаги илғор тажрибалар баён қилинади.

2. Тикланадиган бинонинг қисқача тавсифи ва йиғма конструкциялар монтажда ишлар ҳажмини ҳисоблаш.

Тикланадиган бинонинг конструктив схемаси, асосий ўлчамлари ва монтаж қилинадиган конструкциялар тавсифи баён қилинади.

Берилган топшириқ асосида бинонинг схематик режаси ва қирқими ишлаб чиқилади ва шунга асосан монтаж қилинадиган конструкциялар ҳажми ҳисобланади (1-жадвал)

1-жадвал

Монтаж қилинадиган конструкциялар ҳисоби

№	Конструкциялар номи	Эскизи	Маркаси	Миқ дори, (дона)	Асосий ўлчамлари, (мм)			Массаси, (т)	
					Узунлиги	Баланд лиги	Кенглиги (ени)	Битта элемент учун	Жами элемент учун
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Жадвал охирида монтаж қилинадиган барча конструкцияларнинг массаси жамланади.

3. Юк ушлаш ва монтаж мосламаларини танлаш

Юк ушлаш мосламалари ҳисобланган строплар, траверсалар ва конструкцияларни вақтинчалик маҳкамлашда қўлланиладиган понасимон тикин, кондуктор, тортқи, тиргаклар тегишли қўлланмалар (5,6) асосида ёки иловадаги 1-жадвалдан танланади.

Строп, траверса ва бошқа мосламалар монтаж қилинадиган ҳар бир конструкция учун танланади. Траверсалар узун ўлчамли ва оғир конструкцияларни монтаж қилишда қўлланилади. Ўлчамлари бир-бирига яқин бўлган конструкцияларни битта турдаги строп ёрдамида монтаж қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

У ёки бу турдаги мосламани танлашда мослама конструкциясининг оддийлиги ва масофадан бошқариш имкониятини эътиборга олиш керак.

Талаба курс лойиҳасини ҳимоя қилиш пайтида танланган мосламаларнинг конструктив хусусиятларини, ишлаш принципини тушунтириши ва уларнинг олинган манбаларини кўрсатиб бера олиши керак.

Қабул қилинган юк ушлаш ва монтаж мосламалари жадвал кўринишига келтирилади (2-жадвал)

2-жадвал

Юк ушлаш ва монтаж мосламалари

№	Мосламалар номи	Эскизи	Тавсифи			Ишлатилиши
			Юк кўтарувчанлиги, т	Массаси, т	Ҳисобий баландлиги, м	

4. Монтаж услублари ва конструкцияларни лойиҳа жойига ўрнатиш усуллари танлаш

Монтаж услублари бинонинг конструктив хусусияти ва ўлчамларига боғлиқ ҳолда танланади.

Бир қаватли саноат бинолари ажратилган, комплекс ва аралаш услубларда монтаж қилиниши мумкин. Талаба адабиётлардан (1,2,6,9) фойдаланиб берилган топшириқдаги бино учун ушбу услублардан энг мақбулини танлаши керак.

Бир қаватли саноат биносининг конструкциялари одатда бир неча ихтисослашган технологик потоклар тарзида монтаж қилинади.

Одатда устунлар алоҳида потокда монтаж қилинади, чунки улар пойдевор стаканига ўрнатилиб пойдевор ва устун чоки бетон қоришмаси билан яхлитланади. Чокда бетоннинг мустаҳкамлиги лойиҳа мустаҳкамлигининг камида 70% ини эгаллагандан сўнг устунларни бошқа конструктив элементлар билан юклашга рухсат этилади.

Иккинчи потокда кран ости тўсинлари, стропила ости ва стропила фермалари, тўсинлар ва том ёпма плиталари комплекс услубда монтаж қилинади. Иш ҳажми катта бўлганда ва монтаж кранининг юк кўтарувчанлигидан самарали фойдаланиш мақсадида кран ости тўсинлари ва стропила ости фермалари алоҳида потокда монтаж қилиниши мумкин. Шунингдек девор панеллари ҳам алоҳида потокда монтаж қилинади.

Бир қаватли саноат биноларининг конструкциялари занжирли ёки пневмоғилдиракли ўзинюрар стрелали кранлар ёрдамида ўрнатилади.


Техник имкониятлари етарли бўлган ҳолларда автомобил кранларидан ҳам фойдаланилади.

Монтаж крани ҳар бир поток учун алоҳида танланиши ёки бинонинг барча конструкциялари битта кран ёрдамида кетма-кет монтаж қилиниши мумкин.

Бино пойдевори, пойдевор тўсини, устун, кран ости тўсини ва стропила ости тўсинини ўрнатишда ўзи юрар кранларнинг ҳаракатланиш схемаси бино

оралик(пролёт)ларининг кенглиги ва монтаж қилинадиган элементларнинг массасига боғлиқ равишда танланади.

Пролёт 18 м гача ва монтаж қилинадиган элементлар массаси унча катта бўлмаган ҳолларда монтаж крани пролёт ўртасидан бир марта ўтишда икки ёнида жойлашган конструкцияларни монтаж қилиши мумкин. Пролёт кенглиги 18 м дан ортиқ ва элементлар массаси катта бўлган ҳолларда монтаж кранини пролёт четидан ҳаракатлантириш тавсия этилади (1-расм).



1-расм. Устун ва кран ости тўсинлари монтажда монтаж кранининг ҳаракатланиш схемалари 1-устун, 2-кран ости тўсини, 3-краннинг тўхташ жойи.

- а) пролёт ўртасидан (пролёт кенглиги 18 м. дан кичик)
- б) пролёт четидан битта йўналишда (пролёт кенглиги 18 м. дан катта)
- в) пролёт четидан бориб қайтиш (пролёт кенглиги 18 м. дан катта)
- г) илон изи шаклида ҳаракатланиш (пролёт кенглиги 18 м. дан катта)

Краннинг ҳаракат схемасини шундай танлаш керакки, кран битта тўхташ жойидан иложи борица кўпроқ элементларни монтаж қила оладиган бўлсин. Масалан, пролёт 12 м. ва устун қадами 6 м. бўлса кран пролёт ўртасидан ҳаракатланиб битта тўхташ жойидан 6 та устунни монтаж қилиши мумкин.

Кран ости тўсини, ферма ва том ёпма плиталарини битта потокда комплекс услубда монтаж қилишда кран пролёт ўртасидан ҳаракатланади. Бунда дастлаб кран ости тўсини, сўнгра ферма, ундан сўнг том ёпма плиталари монтаж қилинади ва тортқилар билан вақтинчалик маҳкамланади, сўнгра том

ёпма плиталари монтаж қилинади. Узунлиги 12м. бўлган том ёпма плиталарини монтаж қилишда кран ҳаракатини бўйлама ва кўндаланг йўналишда ташкил қилиш мумкин (2-расм). Кўндаланг йўналишдаги ҳаракат кран стреласининг зарурий қулочини камайтириш имконини беради.

Девор панеллари монтажи бино каркаси монтаж қилиб бўлингандан сўнг алоҳида потокда монтаж қилинади.


Кўп қаватли турар-жой ва саноат бинолари конструкцияларини монтаж қилишда минорали кранлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Айрим ҳолларда чорпояли ва ўзиюрар стрелали кранлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Кенглиги 18 м гача бўлган кўп қаватли бинолар монтажида минорали кранлар бионинг бир томонига, кенглиги 24 - 48 м бўлганда бионинг ҳар икки томонига ўрнатилиши мумкин. Кенглиги 48 м дан катта бўлган саноат биноларида кранларни бино ичига ўрнатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Катта узунликка эга бўлган биноларда битта изда икки ва ундан ортиқ кран ҳаракатланиши мумкин.

Бино конструкциялари, уларнинг турига қараб, монтаж зонасига аввалдан тахлаб олиб ёки бевосита транспорт воситасидан олиб монтаж қилиниши мумкин.


Конструкцияларни лойиҳа ҳолатини таъминлаш усулларига кўра эркин, чекланган-эркин ва мажбурий монтаж услубларидан фойдаланилади.




а) 1-фермалар

2-том ёпма плиталари

3-краннинг ҳаркатланиш йўли



б)



в)

2-расм. Том ёпма конструкцияларини монтаж килишда краннинг ҳаракат схемалари

а)- бўйлама йўналишда


б)- ҳар бир пролет бўйлаб кўндаланг йўналишда

в)- барча пролетлар бўйлаб кўндаланг йўналишда

5.Монтаж кранларини танлаш

Минорали кранларни танлаш

Конструкциялар монтажида қўлланиладиган минорали кранларни танлаш қуйидаги зарурий техник параметрларни аниқлаш орқали амалга оширилади (3-расм).



3-расм. Минорали краннинг зарурий техник параметрларини аниқлаш схемаси.

1.Краннинг зарурий юк кўтарувчанлиги қуйидагича аниқланади:

$$Q_3 = Q_9 + Q_{y.m} \quad (1)$$

бу ерда Q_9 - монтаж қилинаётган энг оғир элемент массаси, т; $Q_{y.m}$ - ушлаш мосламалари (строплар, тутқичлар, траверсалар) нинг массаси, т.

2.Кран илмоғининг зарурий кўтарилиш баландлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$H_n = h_0 + h_3 + h_2 + h_{ct} \quad (2)$$

бу ерда h_0 - монтаж қилинадиган элемент таянадиган сатҳгача бўлган масофа, м;

h_3 - ишни хавфсиз олиб бориш учун талаб этиладиган захира баландлиги(0,5...1 м);

h_2 - монтаж қилинаётган элемент баландлиги, м;

h_{ct} - юк ушлаш мосламасининг (масалан, стропнинг) баландлиги, м.

3.Кран илмоғининг зарурий кулочи қуйидагича аниқланади:

$$L_u = b + b_1 \quad (3)$$

бу ерда b - краннинг айланиш ўқидан биногача бўлган масофа, м;

b_1 - монтаж қилинаётган бино кенглиги, м.

Минораси айланадиган ва мувозанатловчи юки пастда жойлашган кранлар учун L_u қуйидагича аниқланади:

$$L_u = b_1 + b_2 + r_{пл} \quad (4)$$

бу ерда b_2 - айланувчи платформа билан бино орасидаги масофа (хавфсизлик техникаси талабларига кўра камида 1 м); $r_{пл}$ - айланувчи платформа радиуси, м.

4.Юк моментининг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$M_{ю}^n = Q_9^n \cdot L_u^n \quad (5)$$

$$Q_9^n = Q_k^n + Q_{y.m}^n \quad (6)$$


бу ерда Q_k^n - монтаж қилинаётган конструктив элемент массаси, т; $Q_{у.м}^n$ - ушлаш мосламасининг массаси, т; L_u^n - монтаж қилинаётган ҳар бир элемент учун илмоқ қулочи, м;

Минорали краннинг зарурий юк моменти сифатида (5) формула орқали ҳисобланган юк моментларининг энг каттаси қабул қилинади, яъни:

$$M_{ю}^3 = M_{ю}^n \max (7)$$

Ҳисобланган зарурий техник параметрлар асосида тегишли манбалардан минорали краннинг маркаси аниқланади.

Ўзиюрар стрелали кранларни танлаш



4-расм. Ўзиюрар стрелали краннинг зарурий техник параметрларини аниқлаш схемаси

b –монтаж қилинаётган элементнинг кенглиги (узунлиги), м; S - монтаж қилинаётган элемент четидан кран стреласининг ўқигача бўлган масофа (1...1,5 м).

$\tan \alpha$ нинг ва унга мос равишда α нинг қиймати аниқлангач кран стреласининг зарурий узунлиги (L_c) аниқланади:

$$L_c = \frac{H_u + h_n - h_c}{\sin \alpha} \quad (9)$$

бу ерда h_c - стреланинг бирикиш ўқидан кран турган сатҳгача бўлган масофа (1,5 м деб қабул қилиниши мумкин).

Кран стреласи (илмоғи) нинг зарурий қулочи L_u қуйидагича аниқланади:

$$L_u = L_c \cdot \cos \alpha + d \quad (10)$$

бу ерда d - краннинг айланиш ўқидан стреланинг бирикиш ўқигача бўлган масофа (1,5м деб қабул қилиниши мумкин).

Гуськали кранлар учун стрела узунлиги ва илмоқ қулочи қуйидагича аниқланади (5-расм):

Дастлаб гуськанинг зарурий узунлиги аниқланади:

$$l_e = \frac{\frac{b}{2} + a}{\cos \beta} \quad (11)$$


Ўзиюрар стрелали кранларни танлаш учун минорали кранларни танлашдаги каби зарурий техник параметрлар аниқланади.

Зарурий юк кўтарувчанлик (Q_3) ва кран илмоғининг зарурий кўтарилиш баландлиги (H_u) минорали кранлардаги каби, яъни Q_3 ни (1), H_u ни (2) формула орқали ҳисобланади.

Кран стреласининг макбул оғиш бурчаги қуйидагича аниқланади.(4-расм):

$$\tan \alpha = \frac{2(h_{cm} + h_n)}{b + 2S} \quad (8)$$

бу ерда h_n - полиспаст баландлиги (2...5 м);




5-расм. Гуськали кран учун зарурий техник параметрларни аниқлаш схемаси.

бу ерда a - гуськанинг айланиш ўқидан монтаж қилинаётган элемент четигача бўлган масофа (0...1 м); β - гуськанинг оғиш бурчаги ($20...25^\circ$).

Гуська билан жиҳозланган стрела узунлиги (ℓ_1) қуйидагича аниқланади:

$$l_1 = L_c - l_c = \frac{H_u + h_n - h_c}{\sin \alpha} - \frac{\frac{b}{2} + a}{\cos \beta} \quad (12)$$



6-расм. Четки плита монтажи учун техник параметрларни аниқлаш схемаси

Гуська билан жиҳозланган стрела (илмоқ) қулочи:

$$L_u = L_c \cdot \cos \gamma + l_2 \cdot \cos \beta + d \quad (13)$$

бу ерда γ - асосий стреланинг оғиш бурчаги ($75...80^\circ$ деб қабул қилинади).

Илмоқ қулочининг (10) формула бўйича аниқланган қиймати кран монтаж қилинаётган элементнинг (плитанинг) рўпарасида турган ҳолат учун тўғридир. Кран битта тўхташ жойидан бир неча плитани монтаж қилганда стрела горизонтал текисликда бурилади ва илмоқ қулочи ўзгаради (6-расм).

$$\operatorname{tg} \varphi = \frac{D}{L_u} \quad (14)$$

Бурилган ҳолатдаги стрела узунлигининг проекцияси:

$$L'_{c\varphi} = \frac{L_u}{\cos \varphi} - d \quad (15)$$

Стрела бурилганда $H_u - h_c$ масофа ўзгармайди; шунга кўра стреланинг бурилган ҳолатдаги оғиш бурчаги қуйидагича аниқланади:

$$\operatorname{tg} \alpha_\varphi = \frac{H_u - h_c + h_n}{L'_{c\varphi}} \quad (16)$$

Энг четки плитани монтаж қилишда стреланинг зарурий узунлиги қуйидагича аниқланади:

$$L_{c\varphi} = \frac{L'_{c\varphi}}{\cos \alpha_\varphi} \quad (17)$$

Худди шу ҳолат учун илмоқ қулочи:

$$L_{u\varphi} = L'_{c\varphi} + d \quad (18)$$

Краннинг зарурий техник параметрлари ҳар бир монтаж жараёни учун алоҳида аниқланади.

Ҳисобланган техник параметрларга асосланиб тегишли маълумотномалардан (5,6) кран маркаси аниқланади. Курс лойиҳасини

бажаришда қулай бўлиши учун ҳозирда ишлатилаётган кранларнинг асосий техник параметрлари иловада келтирилган (2; 3; 3А; 4; 4А - жадваллар).

Танланган кранлар тўғрисидаги маълумотлар жадвал кўринишида ёзилади (3-жадвал).

3-жадвал

Монтаж кранларини танлаш

Кран маркаси	Стрела, м			Юк кўтарувчанлиги, м		Илмоқнинг кўтарилиш баландлиги, м		Вариантлар бўйича қабул қилинган кранлар	
	узуңлиги	қулочи		мах	мин	мах	мин	1-вариант	2-вариант
		мах	мин						

6. Монтаж қамралма (участка)ларининг ўлчами ва сонини аниқлаш

Конструкциялар монтажини поток усулида ташкил этиш учун бино монтаж қамралмаларига бўлинади. Темир-бетон каркасли биноларда қамралма ўлчами зарурий технологик ва ташкилий танаффусларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Технологик танаффус конструкциялар чокларини яхлитлаш ва чоклардаги бетон етарли мустаҳкамликни олиши учун кетадиган вақтдан иборат. Ташкилий танаффус тегишли иш фронтини яратиш ва жараёнларни қўшиб олиб боришда ҳавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган вақтдан иборат.(камида бир смена деб қабул қилинади).

Агар монтаж қилинаётган элементлар фақат пайвандлаш йўли билан (кўп қаватли биноларнинг темир-бетон устунлари, металл конструкциялар) ёки болтлар ёрдамида (металл ва ёғоч конструкциялар) бириктирилса қамралма ўлчамини аниқлашда фақатгина ташкилий танаффус эътиборга олинади.

Курс лойиҳасини бажаришда монтаж қамралмаларининг ўлчамини куйидагича қабул қилиш тавсия этилади.

- 1) бир қаватли саноат бинолари учун
 - узуңлик бўйича битта секция узуңлиги (72м), кенглик бўйича бинонинг бутун кенглиги ёки бир неча пролётлар кенглиги (агар бино кенглиги 72 м дан ортиқ бўлса);
- 2) кўп қаватли саноат бинолари учун
 - узуңлик бўйича бутун бино узуңлиги (60 м дан ортиқ бўлмаса), кенглик бўйича бинонинг бутун кенглиги;
- 3) каркас-панелли бино учун
 - бинонинг бутун кенглиги ва узуңлиги.

Ярус баландлиги устунлар баландлиги бўйича қабул қилинади, яъни бир қаватли устунлар қўлланилганда бир қаватни битта ярус, икки қаватли устунлар қўлланилганда икки қаватни битта ярус деб олинади.

Қабул қилинган қамралмалар чегараси бино режасида белгилаб кўрсатилиши керак.

7.Монтаж кранларининг иш унумдорлигини ҳисоблаш

Бир қаватли саноат бинолари конструкцияларининг монтажи иккита вариантда амалга оширилиши мумкин:

- биринчи вариант – устунлар ва девор панеллари юк кўтарувчанлиги кичик бўлган кран ёрдамида, кран ости тўсинлари ва том ёпма конструкциялари юк кўтарувчанлиги катта бўлган кран ёрдамида, яъни бинони тиклаш иккита кран ёрдамида амалга оширилади;

- иккинчи вариант – бинонинг барча конструкциялари битта кран ёрдамида монтаж қилинади.

Кўп қаватли бинолар конструкцияларининг монтажи қуйидаги вариантларда амалга оширилиши мумкин:

1) бино конструкциялари монтажи битта минорали кран ёки қулочи кичикроқ бўлган иккита минорали кран ёрдамида амалга оширилади;

2) бино конструкциялари монтажи минорали кран ёки ўзиюар стрелали кран (агар бино ўлчамлари шундай кранлардан фойдаланиш имконини берса) ёрдамида амалга оширилади;

3) бинонинг биринчи ярус конструкциялари ўзиюар стрелали кран, юқори яруслар конструкциялари эса минорали кран ёрдамида монтаж қилинади.

Топшириқда берилган бино учун монтаж варианты ва унга тегишли бўлган монтаж кранлари танлангач монтаж кранининг бир сменалик иш унумдорлиги қуйидаги тартибда ҳисобланади.

Монтаж кранининг ўртача бир соатлик иш унумдорлиги қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$П_c = \frac{60 \cdot K_1}{T_{\text{д.ўр}}}$$

бу ерда K_1 - краннинг ишлаш жараёнида конструктив ва технологик сабабларга кўра юз берадиган танаффусларни ҳисобга олувчи коэффициент(минорали кранлар учун $K_1=0,9$ чиқарилувчи таянчи бўлмаган ўзиюар стрелали кранлар учун $K_1=0,85$ чиқарилувчи таянчи бўлса $K_1=0,8$)

$T_{\text{д.ўр}}$ – битта даврнинг ўртача вақти, мин

Берилган турдаги конструкция (устун,кран ости тўсини, ферма, плита ва ш.к) монтажи учун давр вақти қуйидагича аниқланади:

$$T_{\text{д}} = T_{\text{м}} + T_{\text{к}}$$

Бу ерда $T_{\text{м}}$ – даврнинг машина вақти, мин;

$T_{\text{к}}$ - даврнинг қўлда бажариладиган ишлар (конструкцияни илиш, ўрнатиш ва вақтинчалик маҳкамлаш, илмоқни бўшатиш) вақти, мин.

$T_{\text{к}}$ -нинг қийматлари иловадаги 5- жадвалда келтирилган

Даврнинг машина вақти T_m - краннинг берилган турдаги конструкцияни монтаж қилишдаги аниқ иш шароитидан (кран илмоғининг кўтарилиш баландлиги, юк илмоғи ва краннинг зарурий силжиш масофаси, кран стреласининг бурилиши) келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$T_m = \frac{H_{u-k}}{V_1} + \frac{H_m}{V_2} + \frac{H_{u-m}}{V_3} + \left(\frac{2\alpha}{360n} + \frac{S_u}{V_4} \right) K_{кир} + \frac{S_c}{V_5}$$

бу ерда H_{u-k} - илмоқнинг кўтарилиш баландлиги, м;

H_m - ўрнатилаётган элементнинг остки сатхидан элемент таянадиган сатхгача бўлган масофа, 0,5...1 м деб қабул қилинади;

H_{u-m} - илмоқнинг юксиз ҳолдаги туширилиш баландлиги, м;

V_1, V_2, V_3 - мос равишда элементни кўтариш, таянтириш ва илмоқни юксиз ҳолда туширишдаги тезликлар, м/мин;

α - элементни ўрнатилиш жойига узатишда кран стреласининг бурилиш бурчаги, град;

n - краннинг айланиш частотаси, мин⁻¹;

S_u - илмоқ қулочининг ўзгариш масофаси ёки горизонтал стрелали кранларда юк аравачасининг силжиш масофаси, м;

V_4 - илмоқ қулочининг ўзгаришидаги тезлик ёки минорали кранларда юк аравачасининг ҳаракатланиш тезлиги, м/мин;

$K_{кир}$ - краннинг иш операцияларининг киришишини (биргаликда бажарилишини) ҳисобга олувчи коэффициент, 0,75 га тенг деб олинади;

S_c - краннинг битта элементга тўғри келадиган ҳаракат йўли (тўхташ жойлари орасидаги масофа), м;

V_5 - краннинг ҳаракатланиш тезлиги, м/мин;

Давр вақти T_o бинонинг монтаж қилинадиган барча конструкциялари учун алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилиб, сўнгра даврнинг ўртача вақти $T_{o.ўр.}$ қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_{o.ўр.} = \frac{T_{o1} \cdot N_1 + T_{o2} \cdot N_2 + \dots + T_{on} \cdot N_n}{N_1 + N_2 + \dots + N_n}$$

Бу ерда $T_{o1}, T_{o2}, \dots, T_{on}$ - ҳар бир турдаги элементлар учун битта элемент монтажнинг давомийлиги (давр вақти). мин;

$N_1, N_2, \dots, N_n$ - ҳар бир турдаги элементлар сони, дона.

Краннинг бир сменалик иш унумдорлиги қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$П_{см} = П_c \cdot m_{ўр} \cdot t_{см} \cdot K_2, \quad \text{м/смена}$$

Бу ерда: $m_{ўр}$ - монтаж қилинаётган элементларнинг ўртача массаси; монтаж қилинаётган барча элементларнинг умумий массасини уларнинг умумий сонига нисбати тарзида аниқланади;

$t_{см}$ - смена давомийлиги, 8,2 соатга тенг деб қабул қилинади;

K_2 - соатлик иш унумдорлигидан сменалик иш унумдорлигига ўтиш коэффициент, 0,75 га тенг деб олинади.

8. Меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби

Меҳнат сарфи ва иш ҳақини ҳисоблаш учун дастлаб барча монтаж ва унга тегишли бўлган ишларнинг номи ва бажарилиш кетма-кетлиги аниқлаб чиқилади.

Меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби жадвалининг шакли 4-жадвалда келтирилган. Жадвалдаги «Ишлар номи» деб номланган устунга ишларни уларнинг бажарилиш тартиби бўйича ёзилади.

Меҳнат сарфи ва иш ҳақи ҳисоби амалдаги «Ягона меъёрлар ва нархлар» (ЕНиР) асосида ишлаб чиқилади.

Жадвалдаги 3; 4; 9; 10; 16; 18; 19- устунлардаги қийматлар ЕНиРга асосан қабул қилинади.

Қамралмалар бўйича меҳнатталаблик қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q = \frac{H_e V}{t_{cm}}, \text{ ишчи – смена ёки маш-смена}$$

4-жадвал

Монтаж ишлари учун меҳнат сарфи ҳисоби жадвали

№	Ишлар номи	ЕНиР бўйича асослаш	Ўлчов бирлиги	Қамралмалар бўйича ишлар ҳажми				Бирлик иш учун вақт меъёри		Қамралмалар бўйича меҳнатталаблик				Жами меҳнатталаблик ишчи-смена\маш-смена	Бирлик иш баҳоси, сўм-тийин	Жами иш учун иш ҳақи, сўм-тийин	ЭНиР бўйича звено таркиби	
				1	2	...	н	Ишчи-соат	Маш-соат	1	2	...	н				Касби ва малакаси	Сони
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19

Бу ерда H_e – вақт меъёри, жадвалдаги 9; 10- устунлардан олинади;

V – ҳар бир қамралма бўйича ишлар ҳажми, 5; 6; 7; 8- устунлардан олинади;

t_{cm} - сменадаги иш давомийлиги, 8,2 соат.

Ҳар бир иш тури учун жаъми меҳнатталаблик (15-устун) 11;12;13;14- устунлардаги меҳнат талабликларни жамлаш йўли билан аниқланади.

Ҳар бир иш тури учун иш ҳақи (17-устун) шу иш ҳажмини (5; 6; 7; 8- устунлардаги миқдорлар йиғиндиси) бирлик иш баҳоси (16-устун) га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

9.Монтаж вариантларини техник-иқтисодий жиҳатдан таққослаш

Таққосланаётган монтаж кранлари вариантларининг ҳар бири учун техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланади.

Турли монтаж кранларини таққослаш 1т конструкция монтажи учун келтирилган солиштирма ҳаражатларни аниқлаш орқали амалга оширилади. Ҳар бир кран учун келтирилган солиштирма ҳаражатлар миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$C_{к.с} = C_m + Э_M \cdot K_c$$

бу ерда C_T - 1т конструкция монтажининг таннархи, $сўм/т$

$Э_M$ –капитал маблағ иқтисодий самарадорлигининг меъёрий коэффиценти; 0,15 га тенг деб қабул қилинади.

K_c -солиштирма капитал маблағ, $сўм/т$

Бир тонна конструкция монтажининг таннархи (C_T) қуйидагича аниқланади:

$$C_T = \frac{1,08 C_{\text{маш-см}} + 1,5 \sum Z_{\text{ўр}}}{P_{\text{см}}} + \frac{1,08 C_{\text{т.и}} \cdot m}{P}$$

Бу ерда 1,08 ва 1,5- мос равишда машиналардан фойдаланиш ва монтажчиларнинг иш ҳақлари учун устама ҳаражатлар коэффицентлари;

$C_{\text{маш-см}}$ - монтаж кранининг бир сменалик (машина-смена) таннархи (иловадаги 2,3,4-жадваллар);

$\sum Z_{\text{ўр}}$ - конструкцияларни монтаж қилиш, пайвандлаш ва чокларни яхлитлаш ишларида банд бўлган ишчиларнинг бир сменалик ўртача иш ҳақи (4-жадвалга асосан), $сўм$;

$P_{\text{см}}$ – монтаж кранининг бир сменалик иш унумдорлиги, $т/смена$;

$C_{\text{т.и.}}$ - тайёргарлик ишлари учун ҳаражатлар (ўзйорар стрелали кранлар учун $C_{\text{т.и.}}=0$, минорали кранлар учун [6]-адабиётдан олинади);

m – узунлиги 12,5 м бўлган кран ости рельсларининг сони;

P – қаралаётган потокдаги монтаж қилинадиган барча элементлар массаси (1-жадвалга асосан), $т$;

Солиштирма капитал маблағ (K_c) қуйидагича аниқланади:

$$K_c = \frac{C_{\text{и.х.}} \cdot t_{\text{см}}}{P_{\text{см}} \cdot T_{\text{йил}}}$$

бу ерда $C_{\text{и.х.}}$ - краннинг инвентар-ҳисобий нархи (иловадаги 2-4-жадвалларга асосан), $сўм$;

$t_{\text{см}}$ - краннинг бир сменадаги иш соати (8,2 соатга тенг деб олинади);

$T_{\text{йил}}$ - краннинг бир йиллик меъёрий иш соатлари (иловадаги 2-4 жадвалларга асосан), $соат$

Агар конструкциялар монтажи иккита кран ёрдамида олиб борилса келтирилган солиштирма ҳаражатларнинг ўртача қиймати қуйидагича аниқланади:

$$C_{\text{к.с.}} = \frac{C_{\text{к.с.}}^1 \cdot P_1 + C_{\text{к.с.}}^2 \cdot P_2}{P_1 + P_2}$$

бу ерда $C_{\text{к.с.}}^1$, $C_{\text{к.с.}}^2$ – мос равишда биринчи ва иккинчи кран учун келтирилган солиштирма ҳаражатлар миқдори, сўм/т

P_1 , P_2 – мос равишда биринчи ва иккинчи кран ёрдамида монтаж қилинадиган элементлар массаси (1-жадвалга асосан), t

Шуни назарда тутиш керакки $P_1 + P_2 = P$

Таққосланаётган вариантларнинг қайси бирида келтирилган солиштирма ҳаражатлар миқдори кам бўлса шу вариант қабул қилинади.

10. Транспорт воситаларини танлаш

Конструкцияларни монтаж зонасига узатиб беришнинг ташкил этилишига кўра конструкциялар монтажи икки хил усулда олиб борилиши мумкин.

1. Конструкцияларни краннинг ҳаракат зонасига аввалдан тахлаб олиб монтаж қилиш
2. Конструкцияларни бевосита транспорт воситасидан олиб монтаж қилиш

Конструкцияларни аввалдан тахлаб олиб монтаж қилишда конструкцияларни қурилиш майдонига ташиб келтириш учун зарур бўлган транспорт воситаларининг зарурий сони қуйидаги формула билан аниқланади.

$$N_3 = \frac{P \left(\frac{2L}{v} + t_1 + t_2 + t_3 \right)}{60 t_{\text{см}} K_{\text{с}} n}$$

бу ерда:

P - берилган турдаги элементларнинг икки-уч смена давомида монтаж қилинадиган сони, дона;

L - конструкцияларни ташиб келтириш масофаси, км ;

v - транспортнинг ўртача ҳаракат тезлиги, км/мин;

t_1 - юклаш давомийлиги, мин;

t_2 - тушириш давомийлиги, мин;

t_3 - манёвр қилиш давомийлиги (1-2 мин)

$t_{\text{см}}$ - смена давомийлиги (8,2 соат)

$K_{\text{с}}$ - транспорт воситаларидан вақт бўйича фойдаланиш коэффициенти (0,8-0,9)

n - битта рейсда (қатновда) ташиб келтириладиган элементлар сони.

Конструкцияларни бевосита транспорт воситасидан олиб монтаж қилишда конструкцияларни ташиб келтиришни икки схемада ташкил этиш мумкин:

Маятникли схемада автомашина тиркама (прицеп)дан ажратилмайди ва тиркама бўшагунча монтаж зонасида кутиб туришига тўғри келади.

Моқисимон схемада битта автомашина учта тиркама билан ишлайди, яъни юкли тиркамани монтаж зонасига узиб, бўшаган тиркамани улайди ва заводга етиб боргач бўш тиркамани узиб юклаб қўйилган тиркамани улайди.

Маятникли схема учун автомашиналар сони қуйидагича аниқланади:

$$N_a = \frac{T_d}{t_m}$$

бу ерда T_d -автомашина битта даврининг давомийлиги, мин

t_m -битта қатновда ташиб келтирилган элементлар монтажининг давомийлиги, мин;

$$T_d = t_{ю} + \frac{2L}{v} + t_m + t_{ман}$$

бу ерда $t_{ю}$ - заводда конструкцияларни юклаш учун кетган вақт, мин;

$t_{ман}$ -манёвр қилиш вақти (1-2 мин)

$$t_m = (n-1)t + t_0$$

бу ерда

n -ташиб келтирилган элементлар сони, дона

t – битта элемент монтажи учун зарур бўлган вақт, мин;

t_0 – охириги элементни автомашинадан кўтариб четга олиш учун зарур бўлган вақт (10 мин деб қабул қилиниши мумкин)

Моқисимон схемада тортувчи автомобилларнинг зарур сони қуйидагича аниқланади:

$$N_m = \frac{\frac{2L}{v} + t_a}{t_m}$$

бу ерда

t_a - тиркама ёки ярим тиркамаларни заводда ва қурилиш майдонида алмаштириш учун кетадиган вақт (10 мин деб қабул қилиниши мумкин)

Юқоридаги формуладаги t_1 , t_2 ва $t_{ю}$ нинг қийматлари ЕНиР асосида қабул қилинади (Сборник Е1. Внутривозроочные транспортные работы)

Конструкцияларни ташиб келтириш учун транспорт воситаларини танлашда уларнинг юк кўтариш қобилятидан тўлиқ фойдаланишга эришиш керак. Бу кўрсаткич транспорт воситаларининг юк кўтариш қобилятидан фойдаланиш коэффициентини ($K_{ю}$) орқали баҳоланади:

$$K_{ю} = \frac{m}{q}$$

бу ерда m - транспорт воситасига юкланган конструкциялар массаси, т:

q - транспорт воситасининг юк кўтарувчанлиги , т

Транспорт воситаларини танлашда тегишли манба [6] ёки иловадаги 9-16 жадваллардан фойдаланиш тавсия этилади. Танланган транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар 5-жадвалга киритилади.

Транспорт воситалари

5- жадвал

Элементлар номи	Элементлар массаси т	Элементларнинг ўлчамлари: узунлиги х кенглиги х баландлиги, м	Машина ва тиркаманинг тури, маркаси	Машина ва тиркаманинг юк кўтарувчанлиги, т	Нечтадан юкланади		Транспорт воситасининг юк кўтарувчанлигидан фойдаланиш коэффициенти <i>К_ю</i>
					Сони, дона	Массаси, т	
1	2	3	4	5	6	7	8
Устун	1,65	6,8 х 0,4 х 0,4	Ярим тиркама МАЗ-5245 тортувчи автомобил МАЗ-504 А	13,5	8	13,2	0,98
....							

Изох: Транспорт воситаларининг 10 % гача ортиқча юкланишига рухсат этилади.

11. Технологик ҳисоб жадвали. Монтаж ишларини бажариш графиги (Чизиқли ёки циклограмма)

Монтаж ишлари жараёнини вақт ва фазода тасвирлаш учун циклограмма ёки ишларни бажариш графиги қурилади. Бунинг учун дастлаб тўртинчи жадвалдаги маълумотлар асосида технологик ҳисоб жадвали (6- жадвал) ишлаб чиқилади.

Циклограммани қуриш учун дастлаб қамралмалар, сменалар, кунлар, ойлар бўлиб чиқилади. Қамралмалар графикнинг вертикал ўқига, вақт бўлаклари (смена, кун, ой) эса горизонтал ўқига қўйиб чиқилади.

Монтаж жараёнини яққолроқ тасвирлаш мақсадида графикнинг вертикал ўқига қамралмалардан ташқари пролетлар, бино ўқлари, қаватлари ва яруслар ҳам қўйиб чиқилади.

Агар кўп қаватли бинонинг икки томонига ўрнатилган иккита кран ёрдамида монтаж қилинса графикнинг вертикал ўқида „Кран зонаси” ҳам кўрсатилади.

Монтаж жараёнлари циклограммада оғма чизиқлар билан тасвирланади. Бу чизиқнинг вертикал проекцияси жараён бажариладиган қамралмани, горизонтал проекцияси эса жараённинг давомийлигини акс эттиради.

Конструкциялар монтажнинг технологик ҳисоби

6-жадвал

№	Ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Қамралмалар бўйича ишлар ҳажми				Қамралмалар бўйича меҳнат талаблик <u>Ишчи-смена</u> Маш-смена				Қабул қилинган звено таркиби		Сменаийлик	Қамралмалар бўйича ишлар давомийлиги, кун			
			1	2	...	н	1	2	...	н	Касби ва малакаси	Сони		1	2	...	н
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18

Циклограммадаги ҳар бир жараёни акс эттирувчи оғма чизиқлар технологик ҳисоб жадвалидаги шу жараёнларга мос келувчи тартиб рақамлари билан белгилаб қўйилади. Икки сменалик жараёнлар узлуксиз чизиқ билан, бир сменалик жараёнлар эса узлукли чизиқ билан зинапоясимон кўринишда тасвирланади.

Ишларни бажариш графигини қуриш учун меҳнат сарфи ҳисоби (4- жадвал) асосида тақвимий режа ишлаб чиқилади (7- жадвал)

Ишларни бажаришнинг тақвимий режаси

7- жадвал

т/р	ЕНиР бўйича асослаш	Ишлар номи	Ўлчов бирлиги	Ишлар ҳажми	Меҳнатталаблик; ишчи - смена	Қабул қилинган звено таркиби		Сменавийлик	Ишлар давомийлиги, кун	Иш кунлари				
						Касби ва малакаси	Сони			1	2	3	...	...
										Сменалар				
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11				

12. Техник - иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби

Техник - иқтисодий кўрсаткичлар технологик харитада кўрсатилган монтаж жараёни учун аниқланади. Асосий техник - иқтисодий кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат:

1. Бино конструкциялари монтажи учун жами меҳнатталаблик (ишчи-смена) 4- жадвалнинг 15-устунидаги қийматларни жамлаш йўли билан аниқланади.
2. 1т конструкция монтажining меҳнатталаблиги (ишчи- смена/т) жами меҳнатталабликни конструкцияларнинг жами массасига (1- жадвалнинг 10-устунидаги қийматлар йиғиндиси) бўлиш йўли билан аниқланади.
3. Бино конструкциялари монтажining давомийлиги, *кун* ; циклограммадан ёки ишларни бажаришнинг тақвимий режасидан (7- жадвал) аниқланади.
4. Битта ишчи учун ишлаб чиқариш меъёри (т/ишчи - смена) монтаж қилинадиган конструкцияларнинг жами массасини (1- жадвалнинг 10-устунидаги қийматлар йиғиндиси) жами меҳнатталабликка бўлиш йўли билан аниқланади.
5. Монтаж қилинган 1т конструкция учун келтирилган солиштирма харажатлар миқдори, сўм/т.

13. Монтаж ишларини хавфсиз бажаришга оид тадбирлар

Конструкциялар монтажини бажариш лойихасида меҳнат шароити хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирлар ишлаб чиқиши керак:

- 1) Монтаж зоналарининг ўраб олиниши;
- 2) Ишларни 2 ва 3 сменали қилиб ташкил этилганда иш ўринларини ёритишни кўзда тутиш
- 3) Бинонинг монтаж қилинган қисмини ва алохида конструкциялар турғунлигини таъминловчи монтаж кетма-кетлигини ишлаб чиқиш;
- 4) Юк кўтарувчанлиги кўтариловчи элементлар массасига мос келадиган ва элементларни хавфсиз кўтаришни таъминлайдиган юк ушлаш мосламаларини танлаш;
- 5) Монтажчилар ишлаши учун зарур бўлган сўри ва нарвонларни танлаш;
- 6) Конструкцияларни вақтинчалик маҳкамлаш воситаларини танлаш;
- 7) Конструкцияларни тахлаш усуллариини ишлаб чиқиш.

Бундан ташқари кранлардан фойдаланиш, электрпайвандлаш ва чокларни бетонлаш ишларига оид тадбирлар ҳам ишлаб чиқиши мумкин.

14. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ҳисоб-тушунтирув ёзувининг охирида фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади. Адабиёт тўғрисидаги маълумот қуйидаги тартибда жойлаштирилиши керак:

- 1) Муаллифнинг исми-шарифи. Агар муаллифлар учтадан кўп бўлса дастлабки учта муаллифнинг исми-шарифи ёзилади.
- 2) Адабиётнинг номи;
- 3) Нашр қилинган жойи (М-Москва, Л-Ленинград, Т-Тошкент)
- 4) Нашриёт номи;

- 5) Нашр қилинган йили;
- 6) Жами саҳифалар сони

Масалан: Атаев С.С., Данилов Н.Н., Прыкин Б.В. и др. Технология строительного производства: М: Стройиздат, 1984.-559с

Ҳисоб-тушунтирув ёзувининг бошланишида ёки охирида мундарижа келтирилади. Ҳисоб-тушунтирув ёзуви стандарт ўлчамдаги (210x297) ёзув қоғозига ёзилади.

IV.Технологик харита

Технологик харита қурилиш жараёнини илғор услублар ва комплекс механизация асосида бажариш тартиби ва кетма-кетлигини белгиловчи қурилиш ишлаб чиқариши технологиясининг асосий лойиха ҳужжати ҳисобланади.

